

# **Самарқанд вилояти ҳокимлигига 2024 йил 12 ойи давомида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

## **I. Самарқанд вилояти ҳокимлигига коррупцияга қарши чоратадбирлар дастури бажарилганлиги тўғрисида умумий ахборот:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги "Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6257-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5177-сонли қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 30 сентябрдаги "Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги 61-7-0-Қ/21-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимлиги бошқаруви аппаратида "коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси" ташкил этилди ҳамда ушбу шўъбанинг асосий вазифалари этиб "ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш" белгиланди;

буғунги кунда Назорат шўъбаси битта штат бирлигидан иборат бўлиб, тегишли хона ва коммуникация жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган;

Назорат шўъбаси томонидан 2024 йил 17 май куни "Самарқанд вилояти ҳокимлиги, унинг таркибий ва худудий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2024 йилга мўлжалланган дастури" ишлаб чиқилган бўлиб ушбу дастурда берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш юзасидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринbosарлари, гуруҳ раҳбарлари, бўлим бошликлари, котибият мудирлари ҳамда мутахассисларига тегишли топшириқлар берилган бўлиб, ушбу топшириқлар ижроси ўз муддатларида таъминлаб келинмоқда ҳамда муддати бор топшириқларнинг бажарилиши доимий равишда Назорат шўъбаси назорат қилиб борилмоқда.

## **II. Сиёсат ва тартиб таомиллар:**

Назорат шўъбаси томонидан 2022 йил 7 октябрь куни "вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 385-7-0-Қ/22-сонли ҳамда 2022 йил 21 ноябрь куни "вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлари тўғрисида"ги 446-7-0-Қ/22-сонли қарорларига асосан:

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Низом;

вилоят ҳокимлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом;

вилоят ҳокимлиги одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини кўриб чиқиши комиссияси таркиби;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;

вилоят ҳокимлигига алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиши регламенти;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида Контрагентларни текширишга оид йўриқнома;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари аппарати ходимлари тўлиқ ушбу қарорлар билан таништирилди, барча ходимлардан вилоят ҳокими номига тилхат ёздириб олинди, ҳар бир ходим билан меҳнат шартномасига қўшимча яъни коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида келишув имзоланди.

Бугунги кунда, вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратида 66 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, вилоят ҳокими, вилоят ҳокимининг соҳалар 9 нафар ўринбосарлари, вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси, 3 нафар маслаҳатчи, Ишлар бошқармаси, 4 та гуруҳ, 9 та котибият ва 2 та бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда вилоят ҳокимлигига 1 та мутахассис штати бирлиги вакант бўлиб турибди. Вилоятда 16 та туман ва шаҳар ҳокимликлари бўлиб, уларда жами 480 нафар бошқарув ходимлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вилоят ҳокимлигига комплаенс тизимининг жорий этилиши ҳокимлик тизимида коррупцияни барвақт олдини олишга қаратилган профилактик чораларни кўриб бориш, ходимлар онгида коррупцияга қарши муросасиз ва тоқатсиз муносабатни шакллантириш ҳамда замонавий ва ҳалоллик стандартларни жорий этиш орқали коррупциявий ҳолатларни минималлаштиришга эришишдан иборатdir.

Шу сабабли, Назорат шўъбаси фаолияти ҳар ярим йилликка мўлжалланган иш режалари асосида самарали ташкил этишга,

коррупцияга қарши курашишга қаратилган Давлат дастурлари ва "Йўл харита"ларида белгиланган вазифа ва тадбирларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишига асосий эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокимлигининг барча гуруҳ ва котибиятлари томонидан 2024 йил

12 ойи давомида коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбирларда фаол иштирок этиб натижада бошқарув аппарати ходимлари томонидан бирон-бир коррупциявий хукуқбузарлик ва жинояtlар содир этилмади.

### **III. Хавф-хатарларни баҳолаш:**

Вилоят ҳокимининг топшириғига асосан вилоят ҳокимлигининг барча бошқарув ходимларининг функция ва вазифаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш ўтказилди.

Дастлабки баҳолаш жараёнида вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати барча ходимлари ва уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган жами: 87 та функция ва вазифалари таҳлил қилиниб, коррупция хавф-хатари мавжудлиги баҳолаб чиқилди ва коррупциявий хавф-хатарлар бирлашган харитаси ишлаб чиқилди. Мазкур харитага кўра, 5 та юқори, 24 та ўрта ҳамда 58 та паст баҳоланиб чиқилди.

Мазкур функция ва вазифаларидаги коррупция хавф-хатарини бартараф этиш мақсадида, коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилди ва келгусида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича вилоят ҳокимлигининг 2024 йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастурига киритилди.

### **IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Вилоят ҳокимлигига манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган бўлиб, барча ходимлардан яъни вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ходимларидан йиллик манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича декларация тўлдириб олинди.

Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокимлигига манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича тегишли ички идоравий ҳужжатга асосан ходимлар томонидан 2024 йил 12 ойи давомида тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар тегишли масъуллар томонидан таҳлил қилиб чиқилди.

Таҳлиллар натижаларига кўра ташкилотда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмаганлиги маълум қилинади.

Шунинг билан бир қаторда, вилоят ҳокимлиги тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши ҳолатлари содир этилмаганлиги сабабли шартномалар бекор қилинмаган.

### **Контрагентларни текшириш**

2024 йил 12 ойи давомида ҳисобот даврида вилоят ҳокимлиги томонидан 406 та шартномалар тузилган бўлиб, улар устидан 78 та ҳолатда танланма усулда тегишли масъуллар билан ҳамкорликда ўрганиш тадбирлари ўтказилди. Ўтказилган текшириш натижасида уларнинг фаолияти блокланмаганлиги, чекловлар ўрнатилмаганлиги, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келтириб чиқармаганлиги сабабли, харид жараёнларида иштирок этишга ижобий хуносалар берилганлиги аниқланди. Шунингдек, давлат харидларида иштирок этган контрагентларни текшириш бўйича алоҳида реестр ҳам юритилиб борилмоқда.

V. Вилоят ҳокимлигига коррупцияга қарши қурашиб масалалари бўйича барча ходимлар учун вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан ҳар ҳафтанинг жума кунлари сиёсий ўқиш (маърифат соати) тадбирлари доирасида семинар ва учрашувларда кўргазмали (презентация) маъruzалар билан фаол иштирок этиб борилди. Жумладан, Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши қурашиб борасидаги билимларини хорижий тажрибаларни пухта ўрганганд ҳолда доимий ошириб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарорига асосан, вилоят ҳокимининг 2022 йил 20 октябрдаги 412-7-0-Қ/22 қарори ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу қарорнинг мазмун моҳияти вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида ўқув семинарлари ўтказилиб тўлиқ тушунтириб берилди. Ушбу семинарда барча ҳокимлик тизимида ходимлар, ҳокимлар ёрдамчилари, маҳалла раислари ва тегишли давлат хизматчилари қатнашдилар.

Шу билан биргаликда, коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимларда ишлаётган бошқарув ходимлари учун “Давлат хизматчилари онигига “Ҳалоллик вакцинаси”ни сингдириш, коррупциявий хавф-хатарлар: стратегик ечим ва муаммолар” ҳамда “Маҳаллий ижро ҳокимликларида сақланиб қолаётган коррупциявий хавф-хатарлар: контрагентларни текшириш” мавзуларида умумий ва маҳсус ўқитишилар бевосита 100 фоиз ўқитилиши таъминланди, ўқитишилар давомида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни ифодаловчи 11 турдаги тарқатмалар тарқатилди.

Ҳокимликлар фаолияти ва иш юритуви шаффофлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимида коррупция ва бошқа шу каби ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш мақсадида, “Е-қарор” электрон тизими орқали ҳеч қандай қоғозбозликларсиз электрон кўринишдаги қарорларни қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Эндиликда чиқарилаётган қарорларни тўғридан-тўғри

“Е-қарор” тизими орқали кенг жамоатчилик bemalol кузатиб бориши мумкин бўлади.

Шунингдек, 2024 йил 12 ойи давомида марказий аппарат ходимларининг 43 нафари онлайн тарзда Давлат фуқаролик хизматчилари учун ташкил этилган 48 соатлик маҳсус масофавий малака ошириш курсларида қатнашдилар.

## **VII. Коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарлар**

2024 йилнинг 1 январидан 30 декабрь кунига қадар вилоят ҳокимлигининг мурожаатлар билан ишлаш бўлимига ҳамда коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ходимлари устидан бирон бир коррупция фактларига доир мурожаатлар келиб тушмаган.

### **VII. Мониторинг ва назорат**

Ҳисобот даврида коррупцияга қарши тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги бўйича вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларида Одоб ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган бошқа ички идоравий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинглар ўтказилиб борилмоқда.

Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ходимлари, коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишлари, давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни ва унга қарши курашиш бўйича ижобий хулқни шакллантириш мавзусида ўқув семинарлари ташкил этилди.

Коррупцияга қарши дастурлар, чораклик иш режаларида белгиланган топшириқларни ҳамда йўл харитасида берилган топшириқлар ижросини бажарилиши юзасидан 2024 йил 2 ойи давомида 16 та туман ва шаҳар ҳокимларида коррупцияни олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ўрганиб чиқилди ҳамда соҳага дахлдор қабул қилинган Президент қарорлари ва фармонларининг ижроси ҳам ўрганилиб чиқилди.

Ушбу ўрганиш якуни бўйича туман ва шаҳар ҳокимларида ҳоким бошчилигига муҳокама қилиниб, ўрганиш даврида аниқланган камчиликни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

### **VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсири чоралари**

Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан жорий йил давомида коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилган ҳамда барча ходимлар эътиборига етказилган.

Бугунги кунда, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички идоравий талаблар бузилмаган.

## **IX. Ҳулосалар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 30 сентябрдаги “Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 61-7-0-Қ/21-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратаиди “коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси” ташкил этилди ҳамда ушбу шўъбанинг асосий вазифалари этиб “ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш” белгиланди.

Шунингдек, ушбу Назорат шўъбаси томонидан вилоятдаги тегишли Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда, туман ва шаҳар ҳокимликларида туман ҳокими, ҳоким ўринbosарлари ва ходимлари ҳамда туман ва шаҳар ташкилотлари раҳбарлари иштирокида “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш” борасида қатор семинарлар ўтказилди.

Олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасига кўра бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички талаблар бузилмаган.

## **X. Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратида бир нафар коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мавжуд бўлиб, ушбу Назорат шўъбаси вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

Вилоят ҳамда 16 та туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ходимлар сонининг кўплиги ҳамда ушбу Назорат шўъбасида иш ҳажмининг юқорилиги сабабли вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ишловчи ходимларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш имконини камайтироқда.

Шў сабабли, ушбу Назорат шўъбасига қўшимча бир нафар мутахассис штатини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда, Назорат шўъбаси томонидан вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва

олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ва 2025 йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастурлар ишлаб чиқилаётган бўлиб ушбу дастурларда берилган топшириқларнинг ўз муддатларда бажарилиши тўлиқ назоратга олинишини маълум қиласиз.

**Вилоят ҳокимлиги коррупцияга  
қарши ички назорат қидиши  
шўъбаси мудири**



О.Язданов